

ШАРИПОВА Ойгул Турсуновна

Бухоро давлат университети

Ислом тарихи ва манбаунослиги фалсафа
кафедраси доценти,
фалсафа фанлари номзоди

ХОЖА ЮСУФ ҲАМАДОНИЙНИНГ АБДУЛХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ ДУНЁҚАРАШИННИНГ ШАКЛЛАНИШИДАГИ ЎРНИ

РОЛЬ ХОДЖИ ЮСУФА ХАМАДОНИ В ФОРМИРОВАНИИ МИРОВОЗРЕНИЯ АБДУЛХАЛИКА ГИЖДУВАНИ

THE ROLE OF KHOJA YUSUF HAMADONI IN SHAPING THE WORLDVIEW OF ABDULKHALIK GIJDUVANI

Аннотация: ушбу мақолада хожагон-тасаввүфий тариқатининг асосчиси Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний дунёқарашиниг шаклланишида устози Юсуф Ҳамадонийнинг ўрни ва ролини ифодоловчи фикрлар манбалар асосида очиб берилган. Мавзуни ёриттишида Юсуф Ҳамадонийнинг Ҳаёт мезони, Одоби тариқат, Коинот ва инсон асарларидаги мавзуга оид фикрлар фалсафи таълил қилинган. Манбалардаги фалсафанинг умумназарий масалаларига оид онтология, гносеология, аксиология, этика масалалари қиёсий ёритилган.

Таянч сўзлар: тасаввүф, тафаккур, илм, вижедон, ватанпарварлик, ижтимоий ҳаёт, ахлоқий тарбия, камолот, дунёқарааш, руҳий комиллик, мурид, муршид,

Аннотация: В данной статье на основе источников раскрыты идеи, отражающие роль и место его наставника Юсуфа Хамадани в формировании мировоззрения основателя хадж-суфийского тариката Ходжи Абдулхалика Гиждувани. При освещении темы был проведен философский анализ размышлений Юсуфа Хамадани о критерии жизни, морали тариката, В источниках сравнительно подробно освещаются вопросы онтологии, гносеологии, аксиологии, этики, касающиеся общечеловеческих вопросов философии.

Ключевые слова: мистика, созерцание, наука, совесть, патриотизм, общественная жизнь, нравственное воспитание, совершенство,

мировоззрение, духовное совершенство, мурид (ученик), муршид (учитель).

Annotation : In this article, the views of the founder of the Khojagan mystical sect, Khoja Abdulkhalik Gijduvani, reflects the place and role of this teacher Yusuf Hamadoni in shaping the worldview, is revealed to the main sources. In covering the topic, a philosophical analysis of Yusuf Hamadani's views on the criteria in the works of Life Criteria, Etiquette, Universe and Man was made. The sources comparatively cover the issues of ontology, epistemology, axiology, and ethics related to the general issues of philosophy.

Key words: Sufism, contemplation, science, honesty, patriotism, social life, moral maturity, wisdom, good deeds, spiritual perfection, apprentice, teacher.

КИРИШ

Мусулмон диний-фалсафий таълимоти тарихида алоҳида ўрин тутган, тасаввүфнинг “Хожагон” (яъни Хожалар) тариқатига асос солган, Хожаи Жаҳон унвонига сазовор бўлган, Шарқ оламининг ифтихори, буюк бобокалонимиз Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний улуғ ориф, +565 мутасаввиғдир. Ушбу тариқат Ўрта Осиёда вужудга келган илк мумтоз тариқат ҳисобланади.

Манбаларда Абдулхолиқ Гиждувонийнинг илк устозлари имом Садриддин эканлиги, кейинчалик Юсуф Ҳамадоний билан учрашиб, унга мурид (шогирд) бўлганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган . “Устозлари имом Садриддин деган бузург эрди, кибори уламойи замондин, анинг ёнларига тафсир ўқуб ўлтуриб эрдилар” [1:18-20]. 22 ёшида Бухорои Шарифда номи оламга кетган шайх Абу Ёқуб Юсуф ал Ҳамадоний билан учрашиш шарафига мұяссар бўлади. Тез орада Ҳамадоний уни сўфийлар жамоасига олиб киради”. [2:2].

Тариқат тарихига тааллуқли асарнинг музаллифи Фахриддин бинни Ҳусайнининг “Рашаҳот айн ал-Хайат” номли асарида ёзилишича: “Мазкур тариқатнинг бошловчиси Абу Якуб Юсуф ал - Ҳамадоний ҳисобланиб, бироқ унинг халифи руҳий устози - асосчиси шу тариқатнинг янги, унинг амалиётига хос бўлган таълимотнинг яратувчиси Абдулхолиқ Гиждувонийдир” дейилган [3:61].

Абдулхолиқ Гиждувоний дунёқарашининг шаклланишида устози Юсуф Ҳамадонийнинг ўрни каттадир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Туркистонда XII-XIV асрларда вужудга келган “Яссавия”, “Хожагон”, “Накшбандия” тариқатларининг маънавий отаси, Ҳусайн ибн Баҳром Бузангирди Юсуф Ҳамадоний 1050 йилда Эроннинг Ҳамадон шахри яқинидаги Бузангирд қишлоғида таваллуд топган ва 1142 йилда вафот этган. Юсуф Ҳамадоний араб ва форс юртларида кўп вақт кезиб йирик тасаввуф орifi бўлиб етишган.

Юсуф Ҳамадоний Балх, Ҳирот, Марв, Термиз, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида бўлади. Бухори Шарифда қолиб, бу ерда масжид, мадраса, хонақоҳ курдириб, туркигўй ва форсигўй шогирдларни тарбиялаб voyaga etkazadi. Tўrt valiy: Ҳожа Ҳасан Андоқий, Ҳожа Абдулло Барроқий, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ҳожа Абдулхолик Фиждувоний убуюк шахснинг халифалари хисобланган. Устози Хуросонга кетгандан кейин, Ҳожай Жаҳон у кишига бағишлиб асарлар ёзган ва уларда устозининг валийлик хислатларини баён этган. Бу ҳақда Ҳожай Жаҳоннинг ўзи “Мақсад ас-соликин” асарида қуидагича ҳикоя қиласи: “Ҳақдан огоҳ бўлган ва унинг таомилига муштоқ, мутлақ ҳақиқатнинг толиби воқиф бўлгинки, ёшлиқ чоғида гурур, кибр, нафс ва шайтон васвасаси ғолиб бўлиши мумкин. Шу пайтда умид пайдо бўлиб, бу кароматни топдим, давлатга эришдим, саодатни топиб, Шайх Абу Юсуф Ҳамадонийнинг йўлига кирдим. энди бўлса Абу Юсуф Ҳамадонийнинг хизматларида мен. У киши Муҳаммад с.а.в. шариатларига хилоф бўлмаганлар. Асосий яшаш жойлари Ҳамадон бўлиб, турли жойларда ҳам бўлганлар. У кишининг муборак лафзларидан шундай сўзлар чиқарди: ҳазрат Муҳаммад с.а.в.нинг йўллари тўғри йўлдир. Чунки у киши одамларга шундай дер эдилар:-“Менинг суннатимга амал қилинглар. Юсуф Ҳамадонийнинг халифалари Ҳожа Ҳасан Андоқий, Барроқий, Аҳмад Яссавий, мен факир Фиждувоний у кишининг хизматларида хозир эдик” [4:2].

Шунингдек шу ўринда муридлари Ҳожай Жаҳонга сулукларининг бошида Абу Бақр Сиддик туришини, охирида Ҳожа Али Формадийга етганлигини ва Юсуф Ҳамадоний Формадийдан кейин менга етди деб, муборак кафтини Фиждувоний бошларига қўйганлигини ҳикоя қиласи. Формадий вафотидан кейин

4 киши у кишининг шогирдлари: Абдулло Мирзо Майиқий, Ҳожа Исҳоқ Фаҳр Наср Ободий, Ҳожа Ҳамидуддин Мўлтоний, Юсуф Ҳамадоний, кейин Ҳамадоний Абдулхолик Фиждувонийга қараб: “Мен қандай тўртингчи халифа бўлсан, сен ҳам тўртингчи халифасан” деб айтганлар. Абдулхолик Гиждувоний “Шунда мен савол бердим, сиздан кейин ким халифа бўлади? Мендан кейин Ҳожа Абдулло Барроқий, кейин Ҳожа Ҳасан Андоқий, кейин Аҳмад Яссавий ва у Туркистонга сафар қиласи, тўртингчи халифа сен бўласан ва ҳаммани шариатга чақирасан” деб айтган сўзлари келтирилган [5:3].

Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳот улунс” асарида ёзилишича, аҳлулоҳдан Хизр алайхиссалом ёш Абдулхолиқни маънавий фарзандликка қабул қиласи ва унга “зикри дил” (қалб зикри) ни ўргатади” [6:1383]. Бу зикр вазифасини доимий равишда бажаришга одатланган Ҳожа Абдулхолик улуг файзу футухга эришади. Унга қалб зикрини таълим берган ва маънавий фарзандликка қабул қиласи Хизр алайхиссалом бўлса, сұхбат ва хирқа пири улуг шайх Ҳожа Юсуф Ҳамадонийдир. Шайх ҳазратлари Бухори шарифга ташриф буюрганларида йигирма икки ёшли Ҳожа Абдулхолик Хизр алайхиссаломнинг тавсияси билан унга мурид бўлади, сұхбатларидан баҳра топиб, тез орада маънавий камолот ҳосил қиласи.

Юсуф Ҳамадонийнинг халифаларидан Ҳожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари Яссиға қайтаркан, устозининг васиятига биноан муридларини Ҳожа Абдулхолик Фиждувонийга топширади. Шундан кейин Бухорода муршидлик кила бошлаган бу улуг зотнинг муридлари сафига оддий ҳалқ катори, кўплаб амалдорлар, ҳатто Бухоро хукмдорларидан Муҳаммад Умар Садр ҳам қўшилади. Ҳожа Абдулхолик ҳазратларининг обрў-марталарни факатгина Ўрта Осиё худуди билан чекланмайди. Шом диёрида ҳам ул зот хонакоҳ барпо этиб, муридлар тарбияси билан шуғулланганликлари ривоят қилинади.

Ҳожа Абдулхолик Фиждувоний Ҳожагон-Накшбандия тариқатининг етук муршидларидан, унинг ривожига улкан хисса қўшган пири комил сифатида: биринчидан, Ҳожагон сулукида хафий зикри бошлаб

берган бўлса, иккинчидан, устози Хожа Юсуф Ҳамадоний томонидан ишлаб чиқилган ва Хожагон-Накшбандия тариқатининг бош шиорларига айланиб кетган “хуш дар дам”, “назар бар қадам”, “сафар дар ватан”, “хилват дар апжуман” қоидаларига яна тўртта “ёдкард”, “бозгашт”, “нигоҳдошт”, “ёддошт” каби рашҳаларни илова қилди. “Калимоти қудсия” деб аталадиган бу рашҳа-қоидаларга унинг издоши ва маънавий фарзанди Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари яна учта: “вуқуфи замоний”, “вуқуфи ададий” ва “вуқуфи қалбий” қоидаларини илова қилиб, Нақшбандиянинг яхлит назарий тизим тамойилини шакллантирган ва сулук тарбиясини янада ривожлантириди. Шу боис Абдулхолик Ғиждувоний ҳазратлари “сарҳалқа силсилаи Накшбандия” номи билан улуғланганлар”[7:253].

Хожа Абдулхолик Пайғамбаримиз Мұхаммад алайхиссаломдан бошланган тариқат силсиласида Юсуф Ҳамадонийдан кейин ўнинчи ҳалқа пири эди. Хожа ҳазратлари бу ҳалқанинг давом этиши учун вафотидан олдин Хожа Ахмад Сиддик, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Авлиёи Кабир (Авлиёи Колон), Хожа Сулаймон Карманийларга халифалик ижозати берганлар. Бу зотларнинг ҳар бири иршод ишларига машғул бўлишган. Нақшбандиянинг олий ҳалқасини эса Хожа Ориф Ревгарий давом эттирган .

Хожаи Жаҳон айтадики, художўй шахс, ҳақшунослик йўлига тушган шогирд, муридларнинг маънавий руҳоний устози - муршидини ўз отасидан ҳам кўпроқ хурмат қилиши лозим. Чунки муршидлик лавозими, руҳий мураббий оталик мавқеидан юқоридир, зероки мураббий сўфийга ҳаққа яқинлашиш йўлини кўрсатади. Ғиждувоний ўзи бу қоидага амал қилиб, устози Бухорога кетгандан кейин, пирига бағишлаб “Мақомоти Хожа Юсуфи Ҳамадоний” ва “Рисолаи шайх ал шуюх ҳазрати Хожа Абу Юсуф Ҳамадоний” деган асарлар ёзib, у кишининг таржимаи ҳоли, таълимоти, фазилатлари ҳақида батафсил маълумотлар ёзив қолдирган.

“Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний” асарида Абдулхолик Ғиждувоний устози Шайх Юсуф Ҳамадонийнинг сурат ва сийрати, гўзал ахлоки, юриш-туриши, ибодати, ҳаёт фаолияти ва шогирдларига муносабати хусусида

атрофлича маълумот беради. Шунингдек, тариқат аҳлларини Юсуф Ҳамадонийнинг намунали ҳаёт тарзидан ибрат олишга чакиради.

Юсуф Ҳамадоний таълимотининг ўзига хослиги шундаки, ушбу таълимот илк тариқатлардан кейин яратилган, ўзида хушёрлик, назарда огоҳлик, анжуманда хилватда бўлиш, доимий тафаккур мукаммаллигига даъват этиш, хуфия зикр, меҳнатсеварлик, касб-хунарли бўлиб, ҳалол яшаш, жамиятга заарар келтирмаслик, бирор нарсага ҳам озор бермаслик каби шунга оид гояларни ўзида мужассамлаштирган илк мумтоз тариқат ҳxisобланади. Мутасаввиф тасаввуфни ривожлантириб, такомиллаштириб, Хурсон, Маворауннаҳрдаги тасаввуфий тажрибаларни ўзлаштириб, уларни асарларига сингдирди, шахсий ҳаётiga тадбиқ этди.

Юсуф Ҳамадоний замонасининг етук шайхлари Абдулқодир Гилоний, Имом Ғаззолий билан сухбатлар қилган. Манбаларда Юсуф Ҳамадонийнинг Ғаззолийдан фарқи илмий-маърифий асарлар ёзишдан кўра, одамлар орасида юриб, муридлар таълим-тарбияси билан шугулланишни афзал кўрганлигини “Ғаззолий асарларининг кўплиги билан шуҳрат қозонган бўлса, Хожа Юсуф Ҳамадоний кўплаб муридлар этиштиргани билан тасаввуфий жихатидан олдиндадир” дейилганида кўрамиз” [8: 19].

“Абдураҳмон Жомий “Нафаҳот ул унс” тазкирасида Юсуф Ҳамадоний ҳақида батафсил маълумот берган”. Қолган муаллифлар Жомийнинг маълумотларини тақорорлаш билан чегаралангандар. Муҳиддин Арабий ва Нажмиддин Розийлар ҳам Юсуф Ҳамадоний шахсиятидан баҳс юритишган”. Алишер Навоий “Насойим ул муҳаббат”да “Хожа Юсуф Ҳамадоний қаддас Аллоҳу сиррахулазиз кунияти Абу Яъқубидир (имом, олим, орифи раббоний, гўзал ҳоллари, кўп эҳсонлари, юксак каромот ва мақомотлари бор эди) деб сифатлайди ва унинг Боғдодга бориб, Абу Исҳоқ Шерозийдан илм ўргангани, илмий доираларда қатнашгани, Боғдод, Исфаҳон ва Самарқанд шаҳарларида ҳадис эшитгани ва тасаввуф йўлига кириб, Абу Али Формадийга мурид бўлгани ҳақида хабар беради” [11:252].

Шайх Юсуф Ҳамадонийнинг “Рутбат ул ҳаёт”, “Кашф”, “Рисола дар одоби тариқат”,

“Рисола фи аннал-кавна мусаххарун лилинсон”, “Рисола дар ахлоқ ва муножот” каби асарлари мавжуд.

Юсуф Ҳамадонийнинг бу ерда келтирган барча фикрлари Абдулхолик Фиждувоний маънавий меросида ривожлантирилиб давом эттирилган бўлиб, тариқат одобларига оид фикрларида ўз аксини топгандир. Умуман олганда, “Тариқат одоби” да сулук йўлига кирган ҳар бир муриднинг қалб поклиги, нафс тарбияси, зикр вазифалари, шайх билан муносабатлари ва бошқа мавзулар қисқача ва асосли баён этилган бўлиб Абдулхолик Фиждувоний кейинчалик Ҳожагонлар тариқати одобларида буларни давом эттирган. Булар Абдухолик Фиждувонийнинг “Васиятнома”, “Мақсад ас соликин”, Мұхаммад Қосим Бухорий томонидан кучирилган “Маслак ал орифин” (Аз гуфтор Ҳожа Абдухолик Фиждувоний) асарларида баён этилган бўлиб, тадқиқотимизнинг барча параграфларида ўз аксини топган.

Ҳамадоний ўз замонасининг мўътабар шайх пирларининг шогирди-муриди бўлганлиги, жуда кўп кун, ойлар давомида ўз нафсини тийиб рўза тутганлиги, муқаддас шаҳарларга сафар килиб, хирқа жун матодан тикилган либос кийиб, кўхнадўзлик касби билан шуғулланиб, хайр қилиш, мухтож, ожиз кишиларга ёрдам бериб, шогирдлариغا ҳамиша ўз меҳнати билан кун кўриши, бойликка берилмаслиги каби инсоний хислатларни бажаришга даъват этган.

Абдулхолик Фиждувоний устозининг доимо шариат йўлига даъват этишини, кибр ва бидъатга қарши мухолифатга чақиришини, фитнадан, тақлид қилишдан сақланишини, бу тариқатнинг дарвешлари содик эканликларини айтган. Устозлари Юсуф Ҳамадоний жамиики ишларда пок бўлиб, уларда ҳидоят, яъни йўлбошлиқ, маърифат нури борлигини фаҳр билан ёзган. Бу шайхларнинг сўзлари билан айтганда: “Бу нур Мұхаммад орқали, Абу Бакр Сиддиқ орқали бизгача асрлар оша етиб келгандир ва доимий боқий бўлиб колади. Барча мўминларга вожибdirки, бу йўлдан борсинлар, бу хонадоннинг сухбатида бўлсинлар. Кимки бу йўлда амал қилса, барча зулмлардан омон қолар, бидъат дарёсининг тўлқинларидан қутулар” [12:3]. Юсуф Ҳамадоний Абдулхолик Фиждувонийга “Эй Абдулхолик! Сулук ҳақ

йўлдир ва икки - хилдир. Зоҳирий сулук - яъни ташқи йўл ва ботиний сулук ички йўл. Зоҳирий сулук шудирки, жамики аҳволда шариатга риоя этсин. Нафсни муҳофаза қилсин. Ўзини тоза сақласин. Иккинчи қисм ботиний сулук бўлиб, у қалбни поклашга қаратилгандир, у замима - яъни ёмон хислатлардан покланишга қаратилгандир. Ботиний таҳоратга, яъни қалб зикрига ҳаракатдир” деган [13:17].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Абдулхолик Фиждувонийнинг устози Юсуф Ҳамадонийга нисбатан ҳурмати, меҳри чексиз бўлган.

Алишер Навоий Абдулхолик Фиждувонийнинг маънавий-руҳий камолотга етишида устози Юсуф Ҳамадонийнинг ўрни бекиёслиги, таъсирининг катталиги, жуда юксак мақомга етганларини, риёзатга машғул бўлганлигини ва натижада жуда юксак ҳолатга етишиб, ҳолатларини мағфий тутганликларини ва ҳеч кимга ошкор этмаганликларини, бу улуғ зотнинг валоят даражалари шу мақомга етдики ҳар намозлари вақтида Каъбага бориб келганларини эътироф этади.

Шуннигдек, Абдулхолик Фиждувоний асослаган камолот йўли – ҳожагон таълимотига Алишер Навоий юксак таъриф бериб шундай ёзган: “Уларнинг равиши тариқатда ҳужжатдур. Барча форуқнинг мақбулидурлар. Ҳамиша сидку сафо йўлида ва (Мұхаммад) Мустафо соллалоҳу алайҳи ва саллам шаръу суннати мутобаатида ва бидъату ҳаво мухолафатида қадам урубдурлар ва пок равишларин ағёр кўзидин яшурубдурлар”. Ҳазрат Навоий ушбу таъриф орқали Абдухолик Фиждувонийнинг ҳаёт тарзини ҳожагонлар тариқатида асосий ҳужжат эканлигини ҳамда бу йўл барча учун энг мақбул эканлигини таъкидлайди. Абдулхолик Фиждувоний асослаган ҳожагон таълимоти асосида Мұхаммад с.а.в. шариати ва суннати бўлиб, ушбу таълимот бидъат ва кибру ҳавога қарши маърифат мажмуаси ҳисобланади. Ҳожагон таълимотида хуфия (яширин) зикр қилиш мавжуд бўлганлиги учун, бу йўлдагилар пок равишларини ўзгалар кўзидан пинҳон тутишган дейилган.

Абдулхолик Фиждувоний устози Юсуф Ҳамадонийнинг “Хуш дар дам”, “Назар бар қадам”, “Сафар дар ватан”, “Хилват дар

анжуман” ўгитларини ўзи асослаган хожагон таълимотининг асосий тамойиллари сифатида киритган. Хожай Жаҳоннинг “Рисолаи соҳибия” асарида маъмулот берилишича, Юсуф Ҳамадоний садоқатли шогирдига “Эй Абдулхолик, хавотирни билиш иши сенга ҳавола қилинди” деб хотирани ўрганиш масаласини унга юклатган. Хожа Абдулхолик Ғиждувоний устози берган вазифага садоқат билан жиддий ёндошиб, хотира масалаларини чуқур ўрганди ва хотира билан боғлиқ янги тўрт тамойил: “Ёдкард” – хотираға келтириш, “Бозгашт” – қайтиш, хотирани поклаш, “Нигоҳдошт” – нигоҳ яъни хотира, зеҳнни сақлаш ва “Ёддошт” – хотирани узоқ муддат пок ҳолда сақлаш тамойилларини кашф этди ҳамда уларни хожагон таълимотининг асосий тамойиллари қаторига қўшиди. Натижада хожагон таълимоти асоси саккиз раşҳа – ҳаётбахш ўгитлардан иборат бўлди. Абдулхолик Ғиждувоний “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” асрида устозига нисбатан қўйидаги: “илҳом бағишловчи”, “ҳидоят қалами”, “шафқатли хожа”, “валийлик сарвари”, “ҳидоят қуббаси”, “ҳамадонлик муршид”, “шайхлар шайхи”, “тариқат сайёхи”, “ҳақиқат денгизининг фаввоси”, “пайғамбарларнинг хожаси”, “ғайб сирларининг кашшофи”, “азиз шайх”, “йўли пок шайх”, “буюк шайх” каби таърифларни берганлигининг ўзи унинг Хожагон-Нақшбандия тариқатининг асосчиси сифатидаги дунёқарашининг шаклланишида ва тариқат ривожида ўзига хос катта рол ўйнаганлигининг намунаси ҳисобланади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Али Сафий. Раشاҳот. – Б. 18-20.
2. Хожа Абдулхолик Ғиждувоний. Мақсад ассоликин. -Б.2
3. Дж.С.Тримингэм. суфийские ордена в исламе. – Москва: Наука, 1989. –С.61.
4. Хожа Абдулхолик Ғиждувоний. Мақсад ассоликин. -Б. 2.
5. Хожа Абдулхолик Ғиждувоний. Мақсад ассоликин. -Б. 3.
6. Абдураҳмон Жомий. Нафаҳот ул-унс минҳазарот ил-қудс. –Техрон. 1337х.ш.375-377-б.
7. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами Йигирма жилдлик. Ўн еттинчи жилд, Насойим ул-муҳаббат. –Т.: 2001, -Б. 253.
8. Юсуф Ҳамадоний. Рутбат ул- ҳаёт Доктор Мухаммад Амин Риёҳий муқаддимаси. –Техрон. 1361х.ш.19-б.
9. Абдураҳмон Жомий. Нафаҳот ул-унс минҳазарот ил-қудс. –Техрон. 1337х.ш.375-377-б.
10. Юсуф Ҳамадоний. Рисолалар. С.Сайфуллоҳ, Н.Ҳасан. – Т.: Mavoraunnahr, 2018. –Б. 4.
11. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. Насойим ул-муҳаббат. –Т.: Фан, 2001, -Б. 252.
12. Юсуф Ҳамадоний. Рисола (фи аннал-кавна мусаххарун лил-инсон). – Истанбул, Купрули кутубхонаси, Ф.А.Пошо, № 853. -Б. 3.
13. Юсуф Ҳамадоний. Рисола фи аннал-кавна мусаххарун лил-ин-сон. –Истанбул, Купрули кутубхонаси, Ф.А.Пошо, № 853. 17.